Қорақалпоғистон Республикаси

**Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида бўлиб ўтган йиғилишда 2011 йил давомида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди ва Мустаҳкам оила йилидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.**

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Йиғилишда таъкидланганидек, бўлим ва жойлардаги бўлинмалар томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Маҳаллаларда оилавий бизнес, тадбиркорлик, касаначилик, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес режалари ишлаб чиқилди, ҳужжатлари расмийлаштирилди. Уларни рўйхатдан ўтказишга молиявий ёрдам кўрсатилиб, шунинг ҳисобидан 457 та янги иш ўрни ташкил этилишига эришилди. Жамғарманинг Нукус тумани бўлинмаси қошида "Ғайри нақш" кичик корхонаси, Кегайли тумани бўлинмаси қошида аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи "Дамир Мобайл" корхонаси, Хўжайли тумани бўлинмаси қошида "Тозалик ва кўкаламзорлаштириш" шуъба корхонаси, Тўрткўл тумани бўлинмаси қошида "Тўрткўл ҳунармандлар маскани" корхонаси фаолият бошлаб, 40 нафардан зиёд ишчи-ходим иш билан таъминланди.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган етим ва ногирон 15 нафар талабанинг контракт маблағлари учун ёрдам кўрсатилди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилаларнинг 117 нафар фарзандлари кийим-кечак ва бошқа керакли анжомлар билан таъминланиб, уларни "Уста-шогирд" йўналишида касб-ҳунарга ўқитиш ташкил этилди. Фуқаролар йиғинлари билан тузилган рўйхатга мувофиқ кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказишга ёрдам кўрсатилди.

"Энг яхши болалар майдончаси" танловини ўтказиш мақсадида 262 та болалар спорт майдончасининг ҳолати ўрганиб чиқилди. Шундан ҳомийларни жалб қилган ҳолда 29 та болалар спорт майдончасини тиклаш ва 23 тасини қайта жиҳозлаш бўйича режа ишлаб чиқилди.

Нукус шаҳри, Кегайли, Амударё, Тўрткўл ва Нукус туманларида 11 та болалар майдончасини қуришда 7 миллион 500 минг сўм молиявий ёрдам кўрсатилди.

"Меҳрибонлик уйи", махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, фахрийлар ва ногиронларга "Маҳалла муруввати" МЧЖ маҳсулотлари тарқатилди. Байрам кунларида 276 нафар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, якка қариялар ҳолидан хабар олинди. Бундан ташқари, 41 та кам таъминланган оилага биттадан қорамол тарқатилди.

Жойларда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда қулай шароит яратиш мақсадида ҳудудий дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида 47 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси олиб берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан Мустаҳкам оила йилида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДА

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ

## БУ ЖАРАЁНДА БИЗНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАМИЗ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ, ДЕЙИШМОҚДА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ

**Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси юртимиздаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қизғин ўрганилмоқда. Маърузадан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгилаб олинмоқда.**




Қарши шаҳридаги "Ёшлар" марказида шаҳардаги Қарлиқбоғот, Маҳаллот ва бошқа маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, вилоят, шаҳар ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар кенгашлари депутатлари иштирок этган тадбир ҳам ана шунга бағишланди.

— Маърузада кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун Муҳтарам Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликда ёрқинроқ намоён бўлди, — деди Қарлиқбоғот маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳра Примқулова. — Маҳалламизда беш ярим минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунинг тенг ярми ёшлардир. Кўплаб тадбиркорлар эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишяпти. Муҳими, ана шу меҳнат давлатимиз томонидан қадр-қиммат топаяпти. Тадбиркорларнинг элу юртга нафи катта. 1996-98 йилларда "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган бўлсак, 2007 йилда "Намунали маҳалла" республика кўрик-танловининг ғолиби деган шарафли номга муносиб кўрилдик. 2011 йилда жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ибратли фаолиятимиз республика Ички ишлар вазирлигининг дипломи билан тақдирланди.

Бу каби учрашувлар вилоятнинг бошқа жойларида ҳам бўлиб ўтди. Жумладан, Нишон транспорт-сервис касб-ҳунар коллежида ўтказилган йиғилишда Байналминал, Навбаҳор, Наврўз, Улуғбек маҳаллалари фаоллари, ўқитувчилар, корхона-ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

— Юртбошимизнинг маърузасида Толлимаржон иссиқлик электр станцияси хусусида билдирган фикрларидан тўлқинланиб кетдим, — дейди Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулзор Аблялимова. — Бу корхонада иккита буғгаз қурилмасини қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш кўзда тутиляпти. Бугун юртимизда миқёси жиҳатидан бундай улкан ишларга гувоҳ бўлиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. Сирасини айтганда, ҳар бир кунимиз бунёдкорлик ишларига бойлиги билан эътиборга моликдир.

Деҳқонобод туманидаги Торқопчиғой маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 5-ўрта мактабда бўлган йиғилишда Президентимиз маърузасида белгиланган муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Муҳтарам Президентимиз ўзининг маърузасида иқтисодий тараққиётимизни белгилаб берувчи бир неча лойиҳалар ҳақида айтиб ўтди, — дейди Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи муҳандис-технологи Мансур Аралов. — Жумладан, бир неча заводлар юртимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ошишига ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Бизнинг заводимиз ҳам ана шундай объектлардан биридир.

Айни пайтда минглаб муҳандис-техник, ишчи-хизматчи фаолият юритиб келаётган мазкур заводнинг иккинчи босқичи ишга тушиши кўпгина деҳқонободликларнинг иш билан бандлигини таъминлайди. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланади. Шунингдек, маҳсулот кўлами ҳам уч баробарга ортиши кутиляпти.

Вилоятнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида бўлиб ўтган учрашувларда фаоллар давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, 2012 йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ижроси Ватанимиз тараққиётига хизмат қилажагини таъкидладилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

Бухоро Вилояти

# НАРХИ АРЗОН, СИФАТИ ЮҚОРИ

## МИЖОЗЛАР «ҒИЖДУВОН ЛЮКС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ПОЙАБЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАҚИДА АНА ШУНДАЙ ИЛИҚ ФИКРЛАР БИЛДИРИШМОҚДА

Ғиждувон азал-азалдан ҳунармандчилик юрти саналган. Ғиждувонлик ҳунармандлар қўлида сайқал топган кундалик эҳтиёж моллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа турдаги маҳсулотлар эл орасида жуда қадрланган. Мустақиллик йилларида яратиб берилган шарт-шароитлар эса бундай ҳунарларни саноат усулида давом эттириш имконини берди.

Бундан уч йил илгари фаолият бошлаган "Ғиждувон люкс" масъулияти чекланган жамиятида 15 киши меҳнат қилади.

— Айни пайтда маҳсулот ишлаб чиқаришни буюртмачилар талаби асосида ташкил этганмиз, — дейди жамият ижрочи директори Сулаймон Турдиев. — Корхонамизда ташкилотлар ва муассасалар учун ишчи пойабзаллари тайёрланяпти. Шу билан бирга, катталар ва болаларга мос 5 турдаги замонавий оёқ кийимлари ишлаб чиқаряпмиз.

Корхонада тайёрланаётган пойабзаллар ўзининг рақобатбардош сифати билан бирга, бозорбоп, арзон нархи билан ҳам харидорлар эътиборини қозонган. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Маҳсулот таннархига сезиларли таъсир кўрсатувчи хомашё жамиятнинг тери ошлаш цехида тайёрлангани учун ҳам нарх нисбатан арзонлашмоқда. Пойабзал тагликлари эса ихтисослашган маҳаллий корхоналардан харид қилинмоқда. Муҳим жиҳатлардан бири шуки, корхонада меҳнат қилаётган ишчиларни соҳада илгари узоқ йил ишлаган, тажрибали ходимлар ташкил этади.

— Келгусида корхонани модернизация қилиш орқали фаолиятимизни янги босқичга кўтариш ниятидамиз, — дейди С.Турдиев. — Шу мақсадда "Агробанк"нинг 220 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити эвазига замонавий технологияларни харид қилиш борасида музокаралар олиб боряпмиз. Лойиҳа амалга ошгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши, сифати янада яхшиланиши ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилиши шубҳасиз.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

МУТАХАССИС МИНБАРИ

**Тупроқ ўсимликни озуқа моддалари билан таъминлайдиган асосий манбадир. Юқори сифатли ҳосил етиштириш учун ер таркибида органик ва қийин эрийдиган минерал моддалар етарлича бўлмайди. Олимларнинг тажрибаларига қараганда, экин майдонларида маъданли ўғитлар билан бир қаторда маҳаллий ўғитларни қўллаш самарали ҳисобланади. Улар микроорганизмлар ёрдамида парчаланади. Натижада ҳосил бўладиган тупроқдаги карбонат ангидрид олдинги йиллари солинган фосфатга таъсир кўрсатиб, эрувчанлигини кучайтиради, бинобарин, ўсимлик уни анча кўп ўзлаштиради. Маҳаллий ўғитлар таркибидаги углерод яна микроорганизмлар томонидан қайта ишланиб, чиринди таркибига кирадиган мураккаб бирикмаларга айланади.**

# МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ – ЭКИН МАДОРИ

## ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲОСИЛДОРЛИКНИ КЎПАЙТИРИШ ДЕМАКДИР



Тупроққа 20-30 тонна ярим чириган гўнг солинганда ажралиб чиқадиган углерод миқдори гўнг солинмаган далага нисбатан гектарига 100-150 килограммгача кўпаяди. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш учун муҳим омил ҳисобланади. Илмий-тадқиқот натижалари ва илғор фермер хўжаликларининг маълумотларига кўра, маъданли ўғитлар маҳаллий ўғитлар билан бирга қўлланилганда самарадорлик янада ошади.

Органик ўғитлар ва компостларни пахтачиликда қўллашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: кузги шудгор олдидан, эланган қуруқ гўнгни экиш чоғида (мульчалаш) ҳамда ғўзани озиқлантириш пайтида солиш.

Ғўза ва бошқа экинларга 2-3 йилда бир марта қорамол гўнги гектарига 20-30 тонна, қўй гўнги 6-8 тонна, от гўнги 15-20 тонна, парранда гўнги 10 тонна, гидролизли лигнин 30-40 тонна, ёки органо-маъдан компостларни 30-35 тонна меъёрда ерларга кузги шудгор олдидан, ўртача ва кучли шўрланган майдонларга ерни экишга тайёрлашдан аввал гўнг сочиш мосламалари ёрдамида солинади.

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжалигида ҳар гектар майдонга 20 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, ҳар йили 38-40 центнердан пахта етиштирилган. Пешку туманидаги "Ёқиб Фаттоев", Ғиждувон туманидаги "Файз" фермер хўжаликларида доимий равишда маҳаллий ўғитдан фойдаланилиб, пахта ҳосилдорлигини 15-20 фоизга оширишга эришилган. Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги "Режабова Муқаддас" фермер хўжалигида 32 гектар майдонда умуман минерал ўғитлардан фойдаланмасдан, ҳар гектарга 25-30 тонна чириган гўнг ва компост солиниб, ҳосилдорлик 15-18 фоизга ошган, суғориш сони 1-1,5 марта камайган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги "Раҳматжон Фазлиддин" фермер хўжалигида 14,5 гектар ғўза майдонига 21 тонна маҳаллий гўнг ва агрорудалар асосида тайёрланган компост солиниб, ҳар гектардан қўшимча 3,5-4 центнердан пахта ҳосили олинди. Мавсумий маъданли ўғитлар ва сув сарфини 15-20 фоизга камайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё тажриба участкасида эса маъданли ўғитлар меъёрини 20-25 фоизга камайтириб, ўрнига 21-24 тонна маҳаллий ўғит билан ноанаънавий агрорудалар қўшиб компост қўлланилганда, ҳар гектар ғўзадан 5-7 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган.

Очиқ ва сочилган ҳолатда сақланган гўнгнинг ҳар 10 тоннасидан 23-24 фоиз қуруқ модда, 44 фоиз умумий азот йўқотилади.

Компост тайёрлашда бир тонна гўнгга 100 килограмм агроруда-бентонит аралаштирилади. Гўнг ва компост устига 10-15 см. тупроқ бостирилади, ёзда устига сув сепилади, 4-5 ой давомида уюмланиб сақланади. Етилган компост ёмон ҳиддан тозаланган массага айланади.

Ҳар гектар майдонга 30 тонна компост солинганда, унинг кучи 160-190 килограмм азот, 130-210 килограмм фосфор, 90-140 килограмм калий ўғитига тенг бўлади. Бу эса пахта ҳосилдорлигининг ошиши ва толасининг сифатли бўлишига хизмат қилади. Шунингдек, маҳаллий – ноанъанавий аралашмаларни (компостларни) ёки маҳаллий ўғитларни уч йилда бир марта биринчи навбатда тупроқ унумдорлиги паст ерларга солиш сув буғланишини ҳам камайтириб, яхши самара беради.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Андижон Вилояти

**Бу йил қишлов одатдагидан кўра қарийб қирқ кун аввал бошланди. Яъни октябрь ойининг охирларида ёғинсочинли, совуқ кунлар кириб келди. Чорвадорлар айтишади: қишлов — синов. Буни яхши билган чорвадор шунга яраша тайёргарлик кўради. Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Исмоилов ҳам ана шундай чорвадорлардан. Хўжалик асосан чорвачилик ва наслчиликка ихтисослашган. Қиш чилласи амалда ниҳоясига етган деб ҳисобланаётган шу кунларда бу ерда 565 бош қорамол парвариш қилинмоқда.**





# «Сигирнинг сути тилида»

## БУ ИБОРАНИ ТАМОЙИЛГА АЙЛАНТИРГАН ЧОРВАДОРЛАР ҚИШДА ҲАМ МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРМОҚДАЛАР

ТАЖРИБАДА ҲИКМАТ КЎП

Фермер Фахриддин Исмоилов қорамоллар парваришини зооветеринария талаблари асосида олиб боради. Мустаҳкам озуқа базаси яратиш йўлида вақтини, меҳнатини аямайди. Хўжаликда меҳнат қилаётганларда ҳам ана шундай интилиш бор. Бунинг эвазига йил — ўн икки ой қорамоллар ширали, тўйимли озуқа билан таъминланади. Озуқанинг 95 фоизи хўжалик далаларида етиштирилади ва қишловга ғамланади.

— Энди иш бошлаган чоғларимда озуқа масаласида тайёрига ишонган вақтларим кўп бўлди, — дейди Фахриддин Исмоилов. — Қандай иш олиб бораётганлигимни қиёслаш учун соҳада ўзига хос тажриба мактаби яратган "Оқсув" ҳамда "Аваз" фермер хўжаликларига бориб, у ердаги илғорлик сирларини ўрганишни ўзимга одат қилдим. Алижон Аҳмедов билан Комилжон Содиқовларнинг тажрибалари, меҳнатлари менинг ҳам ўз устимда ишлашимда туртки бўлди. Тажрибали чорвадорлар асосий эътиборни озуқа етиштиришга, қишлов учун етарли, гоҳида керагидан зиёда беда, силос, сенаж, қизилча ва сомон жамғаришга қаратишар экан.

Бугун Фахриддин Исмоилов раҳбарлик қилаётган хўжаликда озуқа муаммоси йўқ. Аксинча, ҳамкасб фермерларни қишнинг қировли кунларида қўллаб ҳам туради. Чорвадорлар орасида "сигирнинг сути тилида" деган ибора бор. Қорамоллар наслининг бардавомлиги бевосита озуқага боғлиқ эканлигини ушбу хўжалик мисолида кўриш мумкин.

Чорвачилик фермасида ветеринария фанлари номзоди Абдусалом Усмонов томонидан олиб борилаётган тажриба ҳам эътиборга моликдир. Ветеринар ўз тажрибасида буғдой донини ивитиб, ўн кун иссиқхонада ундириб, майса ҳолатида зарур витаминлар билан аралаштириб, янги бузоқлаган ғунажинларга озуқа сифатида беряпти. Озиқлантиришнинг бу усулида бир килограмм буғдой беш килограмм емнинг ўрнини босар экан. Қолаверса, янги бузоқлаган ғунажин учун бу озуқа ҳам юмшоқ, ҳам тўйимли бўлади.

Собиқ "Тошкент" ширкат хўжалигининг сут-товар фермаси тендер савдосига қўйилган вақтда, қорамоллар зотли бўлишига қарамасдан атиги 5-6 литрдан сут берарди. Бу ерда мулкка эгалик пайдо бўлганда ҳам ана шу ҳолат бир муддат давом этди. Қаров яхшиланиб борган сари кўрсаткичлар ортиб, маҳсулдорлик кунига ҳар бир бош сигир ҳисобига 15-18 килограммга етди. Айни вақтда наслчилик ишларида ўнгланиш кўрина бошланди. Авваллари янги туғилган бузоқнинг оғирлиги 25 килограммдан ошмасди. Алоҳида сунъий қочириш пункти ташкил этилди ва етарли шароит яратилганидан сўнг янги туғилаётган бузоқлар вазни 38 килограммгача етди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган Германия техник маркази мутахассиси Андрей Садовский "Бахт имкон ривож" фермер хўжалигида бўлиб, қорамолчилик ривожи учун катта ишлар бораётганлигининг гувоҳи бўлди. Фахриддин Исмоилов билан навбатдаги режалар бўйича бир неча бор мулоқотда бўлди. Бу ердаги тажриба хорижлик мутахассисда ҳам қизиқиш уйғота бошлади.

Фермер Андрей Садовскийнинг таклифи билан ҳар йили баҳорда "Ўзэкспомарказ"да ўтказиладиган халқаро ҳамда маҳаллий кўргазмаларда иштирок этиб, чорвачилик йўналишидаги илғор технологиялар, соҳадаги янгиликлар билан танишиб борди. Натижада Фахриддин Исмоилов фермер хўжалиги биноларини босқичма-босқич реконструкция қилишга киришди. Сут соғиш жараёни механизациялаштирилди. Озуқа рационини янада бойитиш мақсадида қизилча экиш ва жамғариш йўлга қўйилди. Маълумки, қизилча сутни кўпайтиришда алоҳида ўрин тутади. Ўтган куздан бошлаб эса оралиқ сифатида рож, сули, тритикале каби экинлардан 40 гектар ерга экилди. Баҳорда бу оралиқ экинлар ўриб олингандан сўнг ўрнига маккажўхори экилади.

Икки бор Германияга бориб, у ердаги илғор технологиялар билан бевосита танишди. Ва тан олдики, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп экан. Наслчилик хизмати орқали Германиядан 92 бош, Польшадан эса 28 бош ғунажин олиб келинди. Кеч куздан бошлаб олиб келинган ғунажинлар бузоқ бера бошлади.

— Йигирма йилдан буён ишлайман, — дейди соғувчи Фаридахон Аҳмедова. – Шу вақт мобайнида биринчи бор бузоқлаган сигирдан кунига 28-30 литр сут соғиб олишни кўрган эмасман. Қарамоғимдаги сигирлардан кунига 30 литргача сут соғиб оляпман. Ёғлилик даражаси эса 4,8-5,4 фоиз атрофида бўлаётир. Ҳозиргача олиб келинган ғунажинларнинг тенг ярми бузоқлаб бўлди. Ҳар бир бузоқнинг вазни 38-45 килограммга тўғри келмоқда.

Соғувчилар Ҳамидахон Ҳусанова, Барнохон Холдарова, Мунирахон Турсуновалар ҳам бугунги натижалардан хурсанд. Ахир олдинлари қўлда сигир соғишиб, пақирини тўлдира олишмаган бўлса, бугун хорижда ишлаб чиқарилган механизмлар билан сут соғиб олишяпти-да.

Худди шундай кўтаринки кайфият молбоқарларда ҳам бор. Ҳамдам Зулунов, Тожиддин Қодиров, Ортиқ Ҳусанов каби молбоқарлар зоотехник томонидан ишлаб чиқилган рацион бўйича озиқлантиришни ташкил этишни биринчи галдаги вазифаси деб билишади.

Ҳадемай мазкур хўжаликда қорамоллар бош сони янада ортади. Фермер ана шуни ҳисобга олиб, аввало, касбий малакага эга бўлган мутахассислар сафини мустаҳкамлаш ҳаракатида. Бош зоотехник Қобилжон Каримов ҳамда етакчи ветеринар Абубакир Каримовлар чорвачиликка иқтидори бор қўшниларидан Шодманали Қўчқоров, Илғорбек Умматов, Хушнудбек Сатторов, Набирилло Абдуллажоновларни Марҳаматдаги агросаноат касб-ҳунар коллежига ўқишга тавсия этишди. Фермер эса уларни стипендия билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Ҳозирда учинчи босқичда таълим олаётган ёшлар ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўташмоқда.

Яқинда Хитойга хизмат сафари билан борган Фахриддин Исмоилов механизациялашган соғиш ускунаси ҳамда кунига 10 тонна сутни қайта ишлайдиган цех қуриш бўйича келишувларни амалга ошириб қайтди. 2012 йилнинг охиригача бу масала ўз ечимини топади. Ҳамма нарса ҳаракатга ва бозор иқтисодиёти қоидаларига риоя этишга боғлиқ эканлиги оддий бир фермер хўжалигида намоён бўлаётир. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, бугунга қадар фермер хўжалигида амалга оширилган барча чора-тадбирларнинг ижросида банк ҳамда бошқа молиявий идораларнинг ҳам кўмаги бор. Бундан кейинги ишларда ҳам уларнинг иштироки, албатта, бўлади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# БАШАРИЯТ ЭЪЗОЗИДАГИ ШОИР



(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, навоийшунос олим ва таржимон Эргаш Очилов, адиб, Давлат мукофотининг соҳиби Омон Мухтор, ёш шоир Носиржон Жўраев буюк алломаларимизнинг бебаҳо маънавий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, миллий адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётганислоҳотларнинг бош мақсади эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида Ватанимиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги файзли боғ ҳамда шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Шаҳримиз марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройидан иборат «Маърифат маркази»нинг муҳташам биноси бунёд этилди. Бобомизнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал тўплам ҳолида чоп этиш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб йигирма жилдлик, сўнгра ўн жилдлик тўпламнинг нашр этилгани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг яққол намунасидир.

Шоир асарларида улуғланган эзгу ғояларнинг бардавомлиги мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ота-онани эъзозлаш, ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш сингари ибратли ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган шоир асарлари инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шахс тарбияси каби эзгу ғоялар билан йўғрилгани боис мангуликка дахлдордир. Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқотчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳосига башариятнинг чексиз эҳтироми рамзидир. Зеро, сайёрамизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мислсиз курашлар кечаётган бугунги мураккаб шароитда Навоий мероси янада долзарб аҳамият касб этаётир.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг артистлари Дилноза Кубаева ва Феруз Бурҳонов буюк шоир асарларидан намуналар ўқиди.

Буюк шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги «Шоирлар хиёбони»да ҳам Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов, Ўзбекистон Миллий университетининг профессори Нурбой Жабборов ва бошқалар ёш авлодни юксак маънавиятли, мустақил ва соғлом тафаккурли шахс этиб камолга етказишда, уларнинг онгу шуурига истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат, тарихимизга ҳурмат туйғусини чуқур сингдиришда Алишер Навоийнинг боқий мероси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу боис бобомиз ижоди мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим масканларида кенг ўрганилмоқда.

Тадбирда Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган адабий-бадиий дастур намойиш этилди.

Бундай маърифий анжуманлар, мушоиралар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ООО "MUXLIS-DIYOR SAVDO" Чиланзарского р-на сообщает об уменьшении Уставного фонда предприятия с 109 595 000 сум до 9 595 000 сумов.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Хувайдо проезд 4 д. 21 и д. 23, выданный БТИ Шайхантахурского р-на на имя Салиева Захида Раимовича, считать недействительным.

ООО МКО "MOMBASA FINANCE", зарегистрированное в ИРСП при хокимияте Яккасарайского р-на (реестр № 006397-11, 27.12.2011 г.) объявляет об уменьшении уставного фонда с 40 000 000 сум до 2 600 000 сум.

ИП ООО "RAMEL TEKSTIL", Сергелийского р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда с 962 298,33 долларов США до 545 224,42 долларов США.

ООО "ZERA MEDIA" (ИНН 300910189), зарегистрированное 13.08.2008 г. ИРСП при хокимияте Шайхантахурского р-на, ликвидируется (протокол общего собрания учредителей № 2 от 09.02.2012 г.). Требования кредиторов могут быть заявлены в течение 2-х месяцев с даты опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Самарканд-Дарбоза д. 1 Б кв-ра 58.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент м-в Буюк Ипак Йўли (Ц-1) д. 4 кв-ра 4, выданный БТИ М.Улугбекского р-на и гос. ордер права собственности на квартиру на имя Муллокандовой Лены Турсуновны, считать недействительным.

ООО "EXCELLENT TECHNOLOGIES" (ИНН 300965792), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (№ 004168-10, 20.10.2008 г.), ликвидируется (в соответствии с Протоколом собрания участников общества от 01.02.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н 1 пр. Шакирова, 5. Тел.: 773-07-02.

Тошкент ахборот технологиялари университети (махсус факультети) томонидан 2006 й.да Мусаев Фаррух Патхуллаевич номига берилган QK-1 № 004150 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 000443-03, 19.07.2004 й.) рўйхатга олинган ва 19.04.2007 й.да қайта рўйхатга олинган "MAZDA" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилганлигини маълум қилади. Даъволар учун тел.: 157-05-22.

Тошкент ш. Бектемир т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BEKTEMIR MEGA SERVIS" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "BEKTEMIR MEGA SERVIS" МЧЖга ўзгартирилади. Даъволар учун тел.: 380-23-27.

Тошкент ш. Яккасарой т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GLOBAL FOOD BUSINESS" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "GLOBAL FOOD BUSINESS" МЧЖга ўзгартирилади. Даъволар учун тел.: 751-61-91.

Утерянный аттестат о среднем образовании № 017007 от 19.06.1996 г., выданный средней шк. № 164 Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Головачевой Валерии Евгениевны, считать недействительным.

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ (ТИМИ) 2011-2012 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАРНИНГ ВАКАНТ ЖОЙЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



**ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА**

- Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси — доцент, ассистент.
- Гидравлика кафедраси — ассистент.
- Гидрология ва гидрогеология кафедраси — кафедра мудири, доцент.
- Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш кафедраси — катта ўқитувчи, ассистент.
- Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси кафедраси — ассистент.
- Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси — доцент.
- Физика ва кимё кафедраси — доцент, ассистент.

**ИРРИГАЦИЯ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИНИ ҚУРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА**

- Назарий ва қурилиш механикаси кафедраси — доцент.

**СУВ ХЎЖАЛИГИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА**

- Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва уларнинг технологияси кафедраси — кафедра мудири.
- Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш кафедраси — доцент.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси — доцент.
- Электротехника ва электрюритма кафедраси — катта ўқитувчи.
- Гуманитар фанлар кафедраси — катта ўқитувчи, ассистент.

**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

- Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси — профессор, катта ўқитувчи.
- Геодезия ва ер кадастри кафедраси — кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Олий математика кафедраси — кафедра мудири, катта ўқитувчи.

**СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА**

- Сув хўжалиги иқтисодиёти кафедраси — катта ўқитувчи.
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси — кафедра мудири, доцент.
- Ахборот технологиялари кафедраси — доцент.
- Ўзбек тили ва чет тиллар кафедраси — кафедра мудири, катта ўқитувчи, ўқитувчи.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ:**

Ариза (ректор номига);
Шахсий варақа (сўровнома);
2 дона 3x4 ўлчамдаги фото сурат;
Илмий ва услубий ишлар рўйхати;
Дипломлардан нусхалар.

Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри Қори-Ниёзий кўчаси 39-уйда жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: 237-19-49, 237-19-29, 237-22-09.**

## "TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO" МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли қарорига мувофиқ тугатилаётган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» Давлат акциядорлик компаниясининг «Ғалла Инвест» МЧЖ устав фондидаги 7,9 фоизлик улуши қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 10 472 400 сўм. Закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Аукцион савдосига «Кафолат» ДАСК (ОАЖ) Дерекциясининг 2011 йил 7 октябрдаги 145-сонли буйруғига мувофиқ, «Кафолат»ДАСК (ОАЖ) Тошкент шаҳар филиали балансидаги Дамас русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 976UBA автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 834 147 сўм. Закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй, 29-хонада, 2012 йил 12 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 12 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 19 ва 26 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Талабгорларнинг буюртманома (ариза)лари Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй, 29-хонада расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан юқорида белгиланган миқдорларда закалат пулини "TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO" МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р-20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

**Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй, 29-хона. Тел: 144-66-55.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## O'ZSANOATQURILISHBANK




## "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

| | |
|---|---|
| **MIGOM** тизими орқали: **1 - 5000 $** учун тариф: **4 - 100 $** (ўтказма миқдорига қараб) | **BLIZKO** тизими орқали: **100 - 5000 $** тариф: **2 - 100 $** (ўтказма миқдорига қараб) |
| **WESTERN UNION** тизими орқали **1-5000 $** ўтказмада МДҲ учун: **6 -189 $** гача МДҲ ташқари:**13-200 $** гача | **UNIStream** тизими орқали: 20 - 100 $ гача - **2%**; 101 - 3000 $ гача - **1,8%**; 3001 - 5000 $ гача - **1,3%** |
| **CONTACT** тизими орқали **1-5000 $** МДҲ учун - **2%**, МДҲ ташқари - **3%** | **ЛИДЕР** тизими орқали: 0,01 - 2000 $ гача - **1,5%**; 2000,01 - 7500 $ гача - **1,3%** |
| **INTER EXPRESS** тизими орқали: 50 $ гача - **2,4 $**; 51 - 100 $ гача - **3 $**; 100 $ юқорисига: **2,5 % - 2,8%** | **ЗОЛОТАЯ КОРОНА** тизими орқали МДҲ ва Россияга арзон **тарифлар 0,5% дан бошлаб** |

# Тез, қулай ва ишончли!

Вақт давомида синалган ишонч!
Бош офис: 100000, Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси, 3
Телефон: (8371) 120-35-92, 233-15-84
Вэб-сайт: www.uzpsb.uz

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## ГИДРОГЕОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНАЯ ЭКСПЕДИЦИЯ ПРИ АМУ-КАШКАДАРЬИНСКОМ БАССЕЙНЕ УПРАВЛЕНИЯ ИРРИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

**Ремонтно-восстановительные работы по системы коллектора "ЮК-6" Миришкорского района Кашкадарьинской области. Протяжённостью 56,87 км.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **8 месяцев.**

Стартовая стоимость заказчика составляет **604.974.415 сум.**

**Заказчик:** Гидрогеолого-мелиоративная экспедиция при Аму-Кашкадарьинском бассейне управления ирригационных систем.

**Адрес:** г.Карши, пос. Гидроузел. Телефон: (8-375) 226-01-78.

**Финансирование осуществляется за счет:** Фонда по орошению и улучшению мелиоративных земель при Министерстве финансов Республики Узбекистан.

*— По объектам строительства и реконструкции мелиоративных объектов со стартовой стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.*

*— Размер квот для субъектов малого бизнеса по ремонтно-восстановительным работам составляет 35%.*

*— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью свыше 500 млн. сум, при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.*

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов – **Кашкадарьинской областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве** по адресу – г.Карши Ханабадское шоссе дом 46а.

Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33. Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 13 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления, в 10:00 часов, в здании заказчика по адресу – г.Карши Ханабадское шоссе дом 46а.



Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-214, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.40 23976 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5